

## Кимнинг ҳузурида Расулуллоҳ зикр қилинса, у зотга салавот ва салом айтиш



16:15 / 14.11.2023 1191

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Бир кишининг ҳузурида зикр қилинсам, лекин у менга салавот айтмаса, унинг бурни ерга ишқалсин»,** дедилар.

*Имом Термизий ривоятлари.*

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Кимнинг ҳузурида зикр қилинсам, менга салавот айтсин. Чунки ким менга бир марта саловот айтса, Аллоҳ таоло унга ўнта салавот айтади»,** дедилар.

*Ибн Сунний ривоятлари.*

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Кимнинг ҳузурида зикр қилинсам-у, менга салавот айтмаса, батаҳқиқ, у бадбахт бўлибди»,** дедилар.

*Ибн Сунний заиф иснод билан ривоят қилганлар.*